

ОНАЖОН, НАМОЗ ВАКТИ ЎТИБ КЕТМАДИМИ?

15:43 / 28.04.2017 4812

Ўтган асрнинг аввалги йилларида яшаб ўтган Шайх Шомил рус истилосига қарши 25 йил шиддатли кураш олиб борди. Босқинчиларнинг сон-саноксиз сараланган қўшинларини ер тишлатди. Унинг ҳар қилич сермашида, албатта, душман чопилар эди. Уни кўрганда рус аскарлари беркинишга жой қидириб қолишарди... Шиддатли жангларнинг бирида Шайхнинг кўкрагига найза санчилди. У совуққонлик билан найзани суғуриб олиб, четга улоқтирди. Сўнг яраланган шер янглиғ жангни янада қаттиқроқ давом эттирди. Унда бир томондан яранинг, иккинчи томондан аввалги жангда ҳалок бўлган дўсти ғозий Муҳаммаднинг алами бор эди. Душман тумтарақай бўлиб кетди. Кеч киргач, Шомил бирдан кўздан йўқолди. Ўша ердаги бир масжид муаззини

унинг ярадор эканини пайқаб, ортидан кузатиб юрган эди. Атрофни қоронғулик қоплагач, муаззин Шомилни душман кўзидан четроқдаги ғорга яширди. Сўнг Шайхнинг ярадор бўлганини унинг қайнотаси Абдулазиз Афандига хабар қилди. Абдулазиз Афанди Доғистоннинг катта табибларидан эди. У Шомилни ғорда туриб, ўт-ғиёҳлар билан даволади. Аммо яра жуда хавфли эди, шунинг учун Шомилни қишлоққа олиб тушишга мажбур бўлишди. Сўнг яна муолажани давом эттирди.

Орадан йиғирма беш кун ўтиб, муолажа таъсирини кўрсатди. Шайх Шомил кўзини очди. Кўзини очиб, тепасида турган онасини кўрди. Шунда унинг илк айтган сўзи ушбу бўлди:

- Онажон, намоз вақтини ўтказиб юбормадимми?